


ШИРКНИНГ ХАТАРИ

[Ўзбекча – Uzbek – الأوزبكي]



Шайх Саидаҳмад Самарқандий



Муҳаррир: Абу Абдуллоҳ Шоший

خطر الشرك بالله

[Ўзбекча – Uzbek – الأوزبكي]



الشيخ سعيد أحمد السمرقندى

۴۰۹

مراجعة: أبو عبد الله الشاشي

Бисмиллахир роҳманир роҳим

Ширкнинг хатари ва унга элтувчи сабаблардан четланиш орқали ширкдан огоҳ бўлиш вожиблиги

Дарҳақиқат, ширк гуноҳларнинг энг каттасидир. Аллоҳ таоло Ўзига раҳматни вожиб қилган бўлишига қарамасдан ширкдан тавба қилмаган кишини мағфират қиласлигини маълум қилди. Бу, бандадан бундай оғир гуноҳдан бениҳоят эҳтиёт ва огоҳ бўлишини ҳамда ширкдан сақланиш учун уни яхши билишини тақозо қилади. Чунки ширк энг қабиҳ гуноҳ ва энг катта зулmdir. Аллоҳ таоло шундай дейди: “**Зеро, ширк катта зулmdir**” [Луқмон: 13]. Чунки ширк Аллоҳни камситиш, Аллоҳдан бошқани Унга тенглаштиришdir. “**Сўнgra (яъни Унинг ягона экани ҳақидаги ҳужжатларни кўра туриб) коғир бўлган кимсалар Парвардигорларига (ўзгаларни) тенглаштирадилар**” [Анъом: 1]. “**Бас, билиб туриб ўзгаларни Аллоҳга тенглаштиранг**” [Бақара: 22]. Чунки ширк, Аллоҳнинг мавжудотларни яратиши ва уларни буюришидан кўзда тутилган мақсадга ҳар томонлама зиддир. Ким Аллоҳга ширк келтирса, яратилган мавжудотни яратган Холиққа тенглаштирган бўлади. Ҳолбуки, энг қабиҳ ташбеҳ (ўхшатиш) – асли хилқатида ҳар томонлама ожиз ва муҳтоҷ бўлган мавжудотни бутун махлукотлардан беҳожат, асли бой ва қудратли зот Аллоҳга тенглаштиришdir. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам умматларини ширкдан огоҳлантиридилар ва ширкка элтувчи барча йўлларни олдини олдилар. Аллоҳ таоло Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни пайғамбар қилиб юборган вақтда, арабларнинг, балки баъзи аҳли

китобларнинг қолдиқларини ҳисобга олмаганда бутун ер юзи аҳолиси ўта тубан ҳолатда эди. Аллоҳ таоло шундай дейди: “**Албатта Аллоҳ мўминларга ўзларидан бўлган (яъни одам жинсидан бўлган), уларга Аллоҳнинг оятларини тиловат қиласиган, (гуноҳларидан) поклайдиган ҳамда уларга Китоб ва Ҳикматни ўргатадиган пайғамбарни юбориш билан яхшилик қиласиган. Зоро, улар илгари очик залолатда эдилар**” [Оли Имрон: 164]. Чиндан ҳам бу оралиқ вақтда башарият турли ботил эътиқод ва удумлар гирдобида тентираб юрар эди. У тарашланган тошлар ва у ер бу ерда тикланган бут-санамларни ўзига худо қилиб олди. Бу худолар олдида тиз чўкиб сифинар, уларнинг атрофида тавоф қиласиган ва энг қимматбаҳо-нафис мол-давлатини, ҳаттоқи айрим фарзандларини уларга атаб қурбонлик қиласиган. Аллоҳ таоло шундай дейди: “**Шунингдек, шайтонлари мушрикларни ҳалок этиш ва динларини чалкаштириб юбориш учун улардан кўпларига болаларини ўлдиришни (яъни, ўз бутлари учун қурбон қилишни) чиройли кўрсатиб қўйди**” [Анъом: 137].

Бошқа бир гурух инсонлар, яъни аҳли китоблар эса икки тоифадан иборат эдилар. Бири ҳақ йўлни йўқотган насронийлар бўлиб, олиҳаларни учта қилиб олган, Аллоҳни кўйиб ўзларининг руҳонийлари ва попларига сифинишарди. Иккинчи тоифа бузғунчи яхудийлар бўлса, ер юзида фасод тарқатган, башарият ўртасида фитна ўтини алангалатган, Аллоҳ улардан олган аҳд-паймонни бузган ва ўзларининг муқаддас китобларининг матнини ўзгартирган малъун бир тўдани ташкил қилишарди.

Учинчи бир тоифа мажусийлар бўлиб, улар ўтга сиғинишар, ўзларича, иккита худо: яхшилик ва ёвузлик худоси қилиб олган эдилар.

Тўртинчи тоифа эса юлдуз ва сайёralарга ибодат қилишар, уларнинг ерга таъсир қилишини эътиқод қиласар эдилар.

Бешинчи бир тоифа даҳрийлар бўлиб, улар ҳеч қандай динни эътироф этишмас, на қайта тирилиш ва на ҳисоб-китобга иймон келтиришмас эдилар.

Дарҳақиқат, башарият Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам пайғамбар қилиб юборилган вақтда ана шундай жаҳолат ва залолат ботқофига ботган ҳолатда эди. Аллоҳ таоло пайғамбарининг даъватини қабул қилган, унга эргашган кишиларни зулматдан нурга чиқарди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам инсониятга қайтадан Иброҳим алайҳис-саломнинг дини бўлмиш пок дин исломни олиб келди, бут ва санамларни парчалади, ширкдан қайтарди ва унга олиб борувчи барча воситаларнинг йўлини тўсди.

Кўйида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам қайтарган ана шундай воситалар – сўз ёки хатти-ҳаракатларни баён қиласиз:

— Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Аллоҳга Унинг махлукотларидан бирини тенглаштиришни ифода этадиган сўзларни гапиришдан қайтардилар. Масалан, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам саҳобаларнинг у зотга қаратса: “Аллоҳ ва сиз хоҳлаганингиз” ёки “Аллоҳ ва сиз бўлмаганингизда”, деган гапни айтишдан қайтардилар. Унинг ўрнига “Аллоҳнинг хоҳлагани, сўнгра сизнинг хоҳлага-

нингиз”, дейишга буюрдилар. Чунки араб тилидаги “ва” боғловчиси икки нарсанинг ўртасини тенглаштиришни ифода қиласа, “сўнгра” боғловчиси эса, улар иккиси ўртасидаги кетма-кетликка далолат қиласи. Зеро, гапдаги мазкур тенглаштириш кичик ширк ҳисобланиб, айни пайтда диндан чиқарувчи катта ширкка элтувчи восита ҳамдир.

— Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам қабрлар устига мақбаралар қуриш, унга чироқ ва шамлар ёқиши, қабрларни гипс, ғишт ва мармар ишлатиб безаш ва унга турли ёзувларни ёзиш орқали қабрларни улуғлашдан қайтаргандар.

— Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам қабрларни масжидга айлантириш ёки масжид қурилмасада қабрлар олдида намоз ўқишдан қайтаргандар. Негаки, бундай хатти-ҳаракатлар бора-бора қабрларга сифинишга олиб борувчи воситалардир.

— Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам қуёшнинг чиқиши ва ботиши вақтида намоз ўқишдан қайтардилар. Сабаби, бу ишда мазкур вақтларда қуёшга сифиниувчи кимсаларга ўхшашлик бор.

— Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам учта масжид: Масжиди Ҳаром, Масжиди Набавий ва Масжиди Ақсодан ташқари бошқа бирон жойга, у ерда Аллоҳга тоат-ибодат қилиб, Унга яқинлашаман деган мақсадда сафар қилишдан қайтаргандар.

— Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам сахобаларни у зотни ҳаддан ортиқ кўкка кўтаришдан қайтариб, шундай деганлар: “Мени насоролар Ийсо ибн Марямни ҳаддан ортиқ кўкка кўтаргани каби

ортиқча мақтаб юборманглар. Мен бор-йүғи бир бандаман. Шундай экан, “Аллоҳнинг бандаси ва Расули”, деб айтинглар”.

— Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бутга сифиниладиган ёки жоҳилият байрамларидан бири ўтказиладиган жойларга тааллуқли назрга вафо қилишдан қайтарганлар.

Юқорида зикр қилинган барча ишлардан қайтаришнинг сабаби тавҳидни сақлаш, унга путур етказадиган ҳар қандай сўз ва хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш ва ширкка элтувчи сабаб ва воситаларнинг йўлини тўсишдир.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам ширк ва ширкка олиб борувчи ишларни тўла-тўқис баён қилишлари ва умматни ширқдан сақлаш учун кучли эҳтиёт чораларини қўллашига қарамай қабрпастлар у зотнинг суннатларига хилоф иш тутдилар, буйруқларига осийлик қилиб, у зот қайтарган мазкур барча ишларга қўл урдилар. Қабрлар устига куббалар бино қилдилар, масжидлар қурдилар, уларни турли-туман нақш ва безаклар билан зийнатладилар. Улар Аллоҳни қўйиб ушбу қабрларга сифина бошладилар. Аллома ибн Қаййим роҳимаҳуллоҳ шундай дейди: “Агар инсон Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қабрларга оид кўрсатмалари, бу хусусда нимага буюрган ва нимадан қайтарганлиги ҳамда бу борада у зотнинг асҳоблари қандай йўл тутганлиги билан бугунги кундаги аксар одамларнинг бу борадаги аҳволини таққослар экан, бу икки ҳолатнинг бири иккинчисига мутлақ зид ва тескари экани, иккиси асло бир нуқтада туташмаслигига гувоҳ бўлади. Қарангки,

Расулллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам қабрларга қараб намоз ўқишидан қайтарсалар, улар бўлсалар қабрлар олдида ва уларга юзланиб намоз ўқийдилар. Расулллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам қабрларни масжид қилиб олишдан қайтарганлар, улар бўлсалар қабр устига масжид қуриб, бу қабрларни Аллоҳнинг уйлариға ўхшатиш мақсадида “машҳад” – зиёратгоҳ деб атайдилар. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам қабрлар устига чироқлар ёкишдан қайтарганлар, улар бўлсалар қабрларда мудом чироқ ва қандиллар ёкиб туришга масъул бўлган вақфлар ташкил қиласидилар. Шунингдек, Расулллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам қабрларни сайлгоҳ қилиб олишдан қайтарганлар, бинобарин улар қабрларни сайлгоҳ, қурбонликлар сўйиладиган муқаддас даргоҳ қилиб олиб, уларнинг атрофида ҳайтдагидек, балки ундан ҳам катта базм-тантаналар уюштирадилар. Расулллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам қабрларни ердан баланд қилиб кўтармасликка буюрганлар. Ином Муслим “Саҳиҳи”да Абут Тайёҳ Асадий розияллоҳу анхудан ривоят қиласиди: “Менга Али розияллоҳу анху шундай деди: “Мен сени (бир вақтлар) Расулллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам мени амир қилиб юборган вазифани бажариш учун юбораман. (Бу вазифа) биронта ҳам сурат қолдирмай ўчиришинг ва биронта ҳам (ер сатҳидан ҳаддан зиёд кўтарилигандан ёки устига мақбара қурилган ёки тош, ғишт, гипс ва мармар каби нарсалар қоплаб) ердан кўтарилигандан қабрларни қолдирмай ер билан баробар қилиб (яъни қабр экани билиниб турадиган даражада бир қарич ёки ундан бироз баландроқ қилиб) текислашингдир”. Аксар одамлар бу ҳадисга зид иш тутиб, қабрларни

уйга ўхшатиб ердан баланд кўтарадилар ва устига қуббалар қурадилар. Қолаверса, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам қабрларни гипслаш, устига бино қуришдан қайтарганлар. Имом Муслим Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қиласи: “Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам қабрларни гипслаш, устига ўтириш ва устига бино қуришдан қайтардилар”. Шунингдек, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам қабрларга турли ёзувлар ёзишдан қайтарганлар. Абу Довуд “Сунани”да Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қиласи: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам қабрларни гипслаш ва улар устига ёзишдан қайтардилар” (Термизий “ҳасан сахиҳ ҳадис” деган). Одамларни кўрсангиз, қабр устига турли лавҳаларни ўрнатишиб, унга Куръон оятлари ва бошқа нарсаларни ёзадилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам қабрларга қабрдан чиқкан тупроқдан бошқа нарса кўшишдан қайтарганлар. Абу Довуд яна Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам қабрларни гипслаш, унга ёзиш ва (ўзини тупроғидан бошқа нарсани) зиёда қилишдан қайтарганлар”. Ҳолбуки, одамлар қабрга тупроғидан ташқари пишиқ ғиштлар, гипс ва тошларни ишлатадилар. Иброҳим Нахайй шундай дейди: “(Салафлар) қабрларида пишиқ ғишт ишлатишини макруҳ санар эдилар”. Бу гапларни айтишдан мақсад, анави қабрларни улуғловчилар, уларни сайлгоҳга айлантириб олганлар, устига шам ва чироқларни ёқувчилар, устига масжид ва қуббалар бино килувчилар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг бу борадаги кўрсатмаларига зид иш тутишлари ва у зотнинг суннатига қарши чиқиши

ларини баён қилишдир. Энг ёмони, қабрларни масжид қилиб олиш ва у ерда чироқлар ёкиш бўлиб, бу ишлар гуноҳи кабира (кatta гуноҳ) хисобланади...”. (Ибн Қайим роҳимаҳуллоҳнинг ўз замонасидаги қабрпастлар пайдо қилган ишларни таърифлаш хусусидаги гапи тугади).

Таассуфки, у замонлардан кейин иш янада шиддатли тус олиб, қабрларга сифиниш авжига минди. Бу ишларга қарши чиққан инсон “ақидапараст”, “авлиёларни камситувчи” деган таъналарга учрайдиган бўлиб қолди. Ажабланарли жойи шундаки, қабрпастлар “авлиёлар”га сифинишни тарқ қилишни уларга нисбатан ҳурматсизлик санашиб, уларнинг ҳаққи “поймол” этилишига йўл қўймай дарғазаб бўладилар. Ҳолбуки, катта ширк амаллар билан Аллоҳнинг ҳаққи поймол бўлиши ёки суннатларига хилоф чиқиш билан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳаққи таҳқирланса-да, асло ғазаб қилмайдилар, уларнинг бунга парвойи-палак! Ҳа, Аллоҳнинг ўзи тавфиқ берсин. Зеро, Аллоҳнинг тавфиқи ва мададисиз залолатдан ҳидоятга, зулматдан нурга, бидъатдан суннатга ва ҳоказо бирон ҳолатдан бошқа бир ҳолатга ўтиш ва бу ҳолатда доим ва событқадам бўлиш имконсиздир! Парвардигор барчамизни ҳақда событқадам қилсан! (Давоми бор)

Манба: Ихлос орг веб сахифаси

